

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 198 (198), 2020 йил 16 октябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



ЕР ҲИСОБИ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИНИ САМАРАЛИ ЮРИТИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 октябрь куни давлат кадастрларини юритишнинг янги тизимини самарали ташкил этиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда ер ажратиш ва давлат кадастри соҳасида бир неча ўн йиллар мобайнида тизимли муаммолар тўпланиб қолгани сир эмас. Тартиб-интизом, ҳисоб-китоб бўлмагани сабабли минглаб гектар ерлар талон-тарож бўлиб кетган. Бу соҳадан аҳоли ҳам, тадбиркорлар ҳам норози эди.

Шу боис, жорий йил 7 сентябрда "Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда соҳани илғор тажриба асосида ислоҳ қилиш, янгича бошқарув тизимини жорий этиш, ернинг ҳисобини тўлиқ юритиш ва рақамлаштириш бўйича комплекс вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўлими раҳбарлари билан видеоселектор йиғилишида Президент раислигида Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ташкил этилди. Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш вазифаси мазкур агентликка, ерлардан самарали фойдаланишни таъминлаш ва назорат қилиш функциялари Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига ўтказилди.

Янги тизимга кўра, Кадастр агентлиги Солиқ қўмитаси тарихида ташкил этилган бежиз эмас. Чунки бу соҳада солиқ базасини кенгайтириш учун катта заҳира бор.

Мисол учун, яқинда Бўстонлик, Фурқат, Косон туманлари ва Урганч шаҳрида ўтказилган ўрганишларда жами 2 мингдан ортиқ кўчмас мулк объекти кадастр ва солиқ базаларида ҳисобга олинмагани аниқланган.

Шундай ҳолат ер майдонларида ҳам бор. Масалан, хатловлар натижасида 66 туманда 150 минг гектар қўшимча қишлоқ ҳўжалиги ерлари, шундан ҳисоботларга киритилмаган 28 минг гектар сугориладиган экин майдони борлиги аён бўлган. Умуман, 113 туманда ер фонди тоифалари ва турларининг аниқ ҳисоб-китоби

бўлмагани оқибатида кўплаб заҳиралар йўқотилмоқда.

Йиғилишда янги тизим асосида ишни ташкил этиш учун биринчи гада ер ҳисобини жойига қўйиб, тўлиқ шакллантириб олиш зарурлиги таъкидланди.

— Кадастр ва ер ҳисобини юритиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари эскирган. Улар мураккаб, тушунарли эмас. Бу эса коррупцияга йўл очиб берган. Бугун тизим тамомилан ўзгариши керак. Асосий мақсад ер ҳисобини аниқ юритиш, бу борада адолатни таъминлашдир, — деди Президент.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар раҳбарларига барча қишлоқ ҳўжалиги туманлари бўйича ер кадастр ҳужжатларини тайёрлаб, Миллий геоахборот тизимига киритиш юзасидан кўрсатма берилди. Энди ҳокимларнинг ер ажратиш тўғрисидаги қарорлари мазкур геоахборот тизимига киритилмагунча ҳақиқий ҳисобланмайди.

Шунингдек, Кадастр агентлиги билан солиқ идораларининг маълумотлар базасини бирлаштириб, фойдаланишдаги ер ва объектларни ҳисобга олиш ҳамда солиқларни шакллантириб бориш вазифаси қўйилди.

Бугунги кундаги ўрмон ҳўжалиги кадастри 1987 йилдан буён янгиланмагани кўрсатиб ўтилади. Ундан бери ўтган даврда табиий йўл билан янги ўрмонлар пайдо бўлган. Шу боис, ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитасига ўрмонзорларни тўлиқ хатловдан ўтказиш бўйича топшириқ берилди.

Тизимдаги муаммолардан бири шуки, 340 мингта объектнинг кадастр қиймати белгиланмаган. Шундан 200 мингдан зиёд объект бўйича солиқ ҳисобланмаяпти. Бундан ташқари, 1 миллиондан ортиқ уй-жойнинг кадастр ҳужжати йўқ.

Шу муносабат билан Президент кўчмас мулк кадастри ҳисобини тўлиқ шакллантириш зарурлиги, бу солиқ солиш базасини кенгайтиришда муҳимлигини таъкидлади. Ундан келадиган маблағлар тўлиқ маҳаллий бюджетга

тушади ва улар ҳисобидан ижтимоий масалаларни ҳал этиш мумкин.

Қурилишдан бино-иншоотнинг кадастр жилдини тайёрлашга бўлган бошқичларда ундирилмаган тўловлар асослигини ўрганиб, уларни камайитириш ва жараёнларни соддалаштириш бўйича топшириқ берилди.

Ер солиғи ҳисоблаш тизимини ҳам тубдан қайта кўриб чиқиш кераклиги айтилди. Хусусан, вилоят марказларига яқин, сув таъминоти яқин бўлган ҳудудларда ҳам, ҳосилдорлиги паст жойларда ҳам ер солиғи деярли бир хилда ҳисобланади.

Мутасаддиларга ерларнинг ҳақиқий қийматидан келиб чиқиб солиқ ҳисоблаш, бунда оширилган ва камайитирилган коэффициентларни қўллаш тизимини жорий этиш бўйича топшириқ берилди. Шу мақсадда халқаро экспертлар жалб қилиниб, объектларнинг бозор қийматини аниқлаш тартиби 4 та туманда синовдан ўтказилиши белгиланди.

Йиғилишда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ёки ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш муаммосига ҳам тўхталиб ўтилади.

Қайд этилганидек, биргина жорий йилда 50 мингта яқин ҳолатда 11 минг 200 гектар ер ўзбошимчилик билан эгалланган, шундан 3 200 гектарда ноқонун уй-жой қурилган. Буларнинг 99 фоизи сугориладиган, унумдор қишлоқ ҳўжалиги ерлари.

Агар ерларни назорат ва экинларни мониторинг қилиш мақсадида ҳар бир туман дрон билан таъминланиши айтилди. Бундан ташқари, космосдаги сунъий йўлдошлар орқали кузатувдан фойдаланиб, ноқонуний қурилмаларни тезкор аниқлаш ва қурилишни илк бошқичидаёқ бартараф этиш имконини берадиган ахборот тизими йўлга қўйилди. Бу дастлаб айрим вилоятларда синовдан ўтказилади.

Барча вилоят, туман ва шаҳарларнинг маъмурий чегараларини аниқлаш ишларини шу йил якунига етказиб, маҳаллий кенгашларда

тасдиқлаш вазифаси қўйилди. 2 мингдан зиёд номсиз кўчалар, 1 миллиондан ортиқ рақамсиз уйлар борлиги қайд этилиб, тегишли кўрсатмалар берилди.

Маълумки, юртимизда 21 турдаги давлат кадастри мавжуд. Лекин бугунги кунда 9 та кадастр бўйича маълумотлар 50 фоизга ҳам етмайди. Оқибатда ерларни аукционга чиқариш учун турли идоралар жойига чиқиб ўрганишга, алоҳида-алоҳида ҳулоса беришга мажбур ва унга 2 ой атрофида вақт кетмоқда.

Хусусан, фақат шаҳарлараро автомобиль йўллари бўйича кадастр мавжуд бўлиб, ички йўллар бўйича бирорта ҳудудда кадастр тасдиқланмаган. Шу боис, бу борадаги кадастри тўлиқ ҳужжатлаштириб, Миллий геоахборот тизимига киритиш вазифаси белгиланди.

Соҳадаги ислохотларни самарали амалга ошириш учун Кадастр агентлигининг барча бўғинларини малакали кадрлар билан тўлдирди, янги тизим мазмуни ва тартиби бўйича ўқитиш муҳимлиги таъкидланди. Жойлардаги кадастр бўлимларнинг моддий-техник таъминоти ва меҳнат шaroитларини яхшилаш юзасидан ҳам кўрсатма берилди.

— Умуман айтганда, ҳар бир ҳоким ва сектор раҳбарлари ер ҳисобини тўғри йўлга қўйиш, ерни кўз қорачиғидай асраш ҳудудларнинг иқтисодий юксалишига хизмат қиладиган асосий омиллардан бири эканини англаб етиши лозим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бу орқали учта муҳим масалани, яъни ердан самарали фойдаланишни, фуқаролар ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мулк ҳуқуқини ва дахлсизлигини таъминлашни ҳамда солиқ базасини кенгайтириб, бюджет даромадида қўшимча заҳиралар шакллантиришни ҳал қилган бўламиз. Видеоселектор йиғилишида мутасаддилар ер ва кадастр ҳисобини тўғри йўлга қўйиш орқали натижадорлиқни таъминлаш чоралари юзасидан ҳисоб берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ САРИМСОҚПИЁЗ ҲАМДА ТЎҚСОНБОСТИ УСУЛИДА САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Экин майдонлари ва аҳоли томорқаларидан оқилона фойдаланиш, экспорт-боп қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, саримсоқпиёз етиштириш ва экспорт қилиш ҳажмларини кўпайтириш, камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг моддий манфаатдорлигини ошириш борасидаги ишларни тизимли давом эттириш мақсадида:

1. Қуйидагилар: Саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси (кейинги ўринларда — Уюшма) ҳамда унинг масъулияти чекланган жамият шаклидаги ҳудудий бўлимлари (кейинги ўринларда — ҳудудий жамиятлар) ташкил этилганлиги; ҳудудий жамиятлар Уюшманинг муассислари ҳисобланиши; Уюшма фаолиятини молиялаштириш манбалари аъзолик бадаллари, Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалларини кўллаб-қувватлаш жамғармаси, илмий тадқиқотларни олиб бориш

учун ажратилган давлат грантлари ҳамда халқаро молия институтлари грантлари ҳисобланиши;

Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида Саримсоқпиёз етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси ташкил этилганлиги, 400 гектар майдонда кластер усулида аҳоли хонадонларини бириктириш орқали саримсоқпиёз етиштириш йўлга қўйилганлиги; Уюшмага маҳсулот етиштирувчиларга агрономик тавсиялар беришда, энг мақбул давлатларга қўлай вақтларда экспорт қилишда кўмаклашиш, уларнинг малакасини ошириш вазифалари юқлатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг 2021-2022 йиллар ҳосили учун август пиёзи, саримсоқпиёз ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини турлари бўйича етиштириш ҳажми тўғрисидаги таклифлари 1-3-иловларга мувофиқ маъқуллансин.

Давоми 2-бетда

Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

БМТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ БЎЛГАН ВА КЕЛАЖАҚДА ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ



Наталья ГЕРМАН, БМТ Бош котбининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари:

Мен Ўзбекистонни ушбу ғалабага олиб борган изчил, жиддий, аниқ мақсадга йўналтирилган йўл ҳақида қисқача фикр билдирмоқчиман. Бу йўл 2017 йилда бошланган эди. Айнан уша йил Ўзбекистонда давлат ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган бешта муҳим йўналиш бўйича мамлакатни ривожлантиришнинг беш йиллик стратегияси қабул қилинган эди. Албатта, давлат раҳбари томонидан ушбу стратегик ҳужжатда белгиланган энг муҳим йўналишлардан бири — бу Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ва ривожлантиришга қаратилган улкан ишлар эди.

Давоми 3-бетда

21 октябрь — Ўзбек тили байрами кун

ТИЛ ВА ЖАМИЯТНИНГ ЎЗARO МУНОСАБАТИ

миллий бирликни таъминлаш, оммавий саводхонликни ошириш ва илм-фанни ривожлантиришга хизмат қилад



5-бетга қаранг.

Интервью



ЕРДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Халқимиз ҳаёти фаровонлиги — бу, албатта, кўчмас мулк, яъни ер-жойдан тўғри ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Шу сабабли, ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер билан узвий боғланган Давлат кадастрлари ягона тизимини тўлақонли юритиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида давлат кадастрларини юритиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борада янгича ёндашувларни жорий қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.



Халилилло ТўРАҲЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директори:

— Ер ҳисоби ва давлат кадастри тизимида камчиликларимиз жуда кўп. Шу боис, Президентимиз соҳага алоҳида эътибор қаратиб, кейинги икки ой ичида иккинчи бор йиғилиш ўтказди. Биз амалга оширилаётган ишларимиз тўғрисида маълумот бердик.

Кадастр — кенг тушунча. Кадастр деганда, бино ва иншоотлар ҳужжатларини тушунашимиз. Аслида, мамлакатимизда 21 та

кадастр бор. Мисол учун, маданий мерос, автомобиль йўллари, газ қувурлари, электр тармоқлари ва ҳоказо. Бу кадастрлар бизга нима беради? Агарда юртимизни яхлит уйимиз деб тасаввур қилсак, нима, қаерда жойлашганини билиш имконини беради. Яъни ҳаёт тарзимизда тартиб юзага келади. Табиийки, тартиб бор жойда ривожланиш бўлади, инвестиция оқими кўпаяди, шу тариха иқтисодийтимиз юксала боради.

Шу пайтгача собиқ Даврегеодезкадастр ҳам ер ажратиш, ҳам уни назорат қилиш функциясини бажарган. Бу эса, ўз навбатида, манфаатлар тўқнашувига, коррупцион ҳолатларга омил бўлган.

Эндиликда қайта ташкил этилган Кадастр агентлиги ер ва бино иншоотларининг ҳисоби билан шуғулланади. Ҳақиқатан ҳам солиқ идоралари ва кадастр тизими ўртасида номуносивиблик бўлган. Президентимиз топшириғига кўра, ана шу тафовутни йўқотиб, тизимини уйғунлаштирамиз.



Қаҳрамон САРИЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси:

— Бугунги кунда ер ва ер ресурслари ҳисобини юритиш, улардан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш жуда муҳим. Ҳозирда Қорақалпоғистонда 412 мингдан ортиқ кўчмас мулк объекти ҳисобга олинган, 384 мингдан зиёд турар жой, шундан 27 минг 673 нотурар жой объекти бор. Улардан ер ва мулк солиғини вақтида ундириш чоралари кўрилмоқда.



Зоир МИРЗАЕВ, Қашқадарё вилояти ҳокими:

—Ўтган бир ой давомида солиқ ва кадастр тизимларини уйғунлаштиришнинг самараси амалиётда ўз натижасини кўрсатди. Бу орқали ҳисобга олинмаган субъектлар, ер майдонлари, бино-иншоотларини хатловдан ўтказишда қўшимча манбалар юзага келмоқда. Бир ой давомидаги текширувларда вилоятда 5 893 та кадастр ҳужжати мавжуд бўлмаган ёки мавжуд бўлса ҳам солиқ базасига киритилмаган объектлар аниқланди. Шунинг ўзидан 1,7 миллиард сўм қўшимча маблағ ундирилди.

Президентимизнинг яқинда Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида бу борада ҳам бир қатор топшириқлар берилди. Жумладан, ер ва сув балансини ишлаб чиқиш, ердан унумли фойдаланиш, шу билан бирга, сув тежовини технологияларни жорий қилган ҳолда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Албатта, бугунги кунда жами қишлоқ ҳўжалиги майдонлари, қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерларда 2021 йил ҳосили учун барча экин турларини экиш режалаштирилган. Ҳозирги кунгача 8 та туманда ер ҳисоб-китоби юргизилиб, улар ягона геопорталга киритилмоқда. Қолган туманларимизни ҳам 1 ноябргача бу тизимга жойлаштирамиз.

Иккинчи масала, қишлоқ ҳўжалигида фойдаланиладиган ерларни балл-банитировкадан тортиб, рационал жойлаштиришга бўлган тизим талабга жавоб бериётгани намоён бўлиб қолди. Демак, илғор давлатлар технологияларини жорий қилиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бугунги йиғилишда ҳар бир ҳоким зиммасига бу жараёнга бевоисита бош бўлиб, кадастр ҳужжатларидан тортиб, ерларнинг баланси, экинларнинг рационал жойлаштирилиши, энг асосийси, захирада турган ерларни фойдаланишга киритилишига ҳисобини юритиш вазифалари топширилди. Масалан, вилоятимизнинг ўзида 1 миллион гектардан ортиқ ерлар хатловдан ўтказилмаган. Бу яширилган ерлар ҳисобига давлат солиқидан ютқазмоқда, дегандир. Шунинг учун ҳам ер учун солиқ ставкасини белгилаш ваколати маҳаллий кенгашлар ихтиёрига берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

САРИМСОҚПИЁЗ ҲАМДА ТЎҚСОНБОСТИ УСУЛИДА САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғичи 1-бетда

3. Белгилансинки: Уюшмага ташқи ва ички бозор талабларидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 июнга қадар август пиези, саримсоқпиез ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларини жойлаштириш бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақлифлар киритиш ҳуқуқи берилди;

август пиези, саримсоқпиез ва тўқсонбости усулида сабзавот экинлари Уюшма тақлифига мувофиқ пахта ва ғалла майдонларидан қисқартирилган, фойдаланишга киритилмаган, захирадаги ерлар, шунингдек, тақририй экин сифатида ғалладан бўшайдиган ва бошқа ер майдонларига жойлаштирилади;

август пиези, саримсоқпиез ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида ажратилмаган, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

Уюшма Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда август пиези, саримсоқпиез ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларини кластер ва кооперация усулида етиштириш бўйича халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган аниқ лойиҳаларни тижорат банкларига тақдим этади.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда саримсоқпиез етиштириш лойиҳасини амалга ошириш учун 7 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасидан Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизи миқдорда 1 йиллик муддатда Булоқбоши тумани ҳокимлиги ва Уюшма қафиллиги асосида тенг улушларда сўда сифатида ажратилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Булоқбоши туманида жорий этилган тажрибани кенг татбиқ этиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раисининг деҳқон хўжалиқлари ва томорқа экин майдонларидан фойдаланиш масалалари бўйича ўринбосари (кейинги ўринларда — Кенгаш раисининг ўринбосари):

Уюшма фаолиятини амалга оширишга, қайта ишлаш корхоналари, экспорт қилувчилар ва маҳсулот етиштирувчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш;

август пиези, саримсоқпиез ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли ресурслари ва грантларини, Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини жалб этиш;

кооперация (кластер) асосида ишлайдиган кластер ва экспорт қилувчи ташкилотлар маҳсулот етиштирувчиларга бириктирилишини таъминлаш;

маҳсулот етиштирувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш учун ҳар йили июнь-июль ойларида ўқув-семинарларни ташкил қилиш;

хорижий давлатлар фитосанитария талабларидан келиб чиқиб, август пиези, саримсоқпиез ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларининг экспортбоп навларини етиштириш ва экспорт қилиш борасидаги ишларни ташкиллаштириш вазифалари юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашига икки ҳафта муддатда:

мавжуд вазифалар тақсимотини ва штат бирликларини қайта қўриб чиқиб, Кенгаш раисининг ўринбосарига марказий аппарат, худудий бошқарма ва туман бўлимларидан тегишли тузилмаларни бириктириш;

Кенгаш раисининг ўринбосари тақлифига кўра, хўжалик ҳисобидан қўшимча штат бирликларини олинишини таъминлаш тавсия этилсин.

7. Усимликлар карантини давлат инспекцияси бир ой муддатда:

хорижий давлатлар фитосанитария талабларидан келиб чиқиб, саримсоқпиезнинг экспортбоп навларини етиштириш, тайёрлаш ва қадоқлаш борасида тавсиялар ишлаб чиқсин ҳамда амалий ёрдам бериш учун карантин инспекторларини туманлар миқёсида маҳсулот етиштирувчиларга бириктирсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Экспорт қилувчилар уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Уюшма билан биргаликда маҳсулотнинг энг мақбул давлатларга қулай вақтларда экспорт қилинишини таъминлаш, янги экспорт бозорларини очиб чораларини кўрсин.

8. Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда август пиези, саримсоқпиез ва тўқсонбости усулида сабзавот маҳсулотларини етиштириш бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳаларнинг грант танловлари асосида амалга оширилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, грант танловларида август пиези, саримсоқпиез ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларининг янги, экспортбоп навларини яратиш, оналик уруғ ва кўчатзорларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази билан биргаликда худудларнинг тупроқ-иқлим шароити ўзига хослигидан

келиб чиқиб, август пиези, саримсоқпиез ва тўқсонбости усулида сабзавот экинлари навларини жойлаштириш ва етиштириш агротехникаси бўйича тавсиявий қўлланма ишлаб чиқиб, жойларга етказсин;

бир ой муддатда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминласин;

Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда август пиези, саримсоқпиез ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларини сув билан таъминлаш, сув тежовчи технологияларини кенг жорий этиш чораларини кўрсин;

Сабзавот, полиз экинлари ва картошкани илмий-тадқиқот институти томонидан Уюшма билан биргаликда август пиези, саримсоқпиез ва тўқсонбости усулида сабзавот экинларининг худудлар тупроқ-иқлим шароитларига мос, шўрга ва сувсизликка чидамли навларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот лойиҳалари амалга оширилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Уюшмага маҳсулотни сақлаш, экспорт қилишда кўмаклашсин.

10. Уюшмага Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Уюшманинг қисқа муддатларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши, унинг ташкилий тузилмаси, низомини ва худудий жамиятларнинг намунавий тузилмасини тасдиқлаш тавсия этилсин.

Уюшма Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Келес шаҳарчасидаги Сабзавот, полиз экинлари ва картошкани илмий-тадқиқот институти биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

11. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Усимликлар карантини давлат инспекцияси билан биргаликда саримсоқпиез ва сабзавот экинларининг экспортбоп навларини етиштириш, уларни экспорт қилиш, хорижий давлатлар фитосанитария талабларини тушуниришга оид махсус курсатувлар ташкил этиш ва мунтазам намойиш этиб бориш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қўнун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Муносабат

ГЛОБАЛ ТАШАББУСЛАРНИНГ ИЖРОСИГА КИРИШИЛДИ

Баҳор ХИДИРОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқида илгари сурилган ташаббусларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "йўл харитаси"нинг 1 ва 5-бандлари ижросини таъминлаш бўйича идоралараро ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.



Унда ишчи гуруҳ аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, БМТ иш-тисослашган тузилмаларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари, идоралараро ишчи гуруҳ раҳбари С.Сафоев ва бошқалар таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқида илгари сурилган тақлиф ва ташаббуслар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш, кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим тарихий қадам бўлди.

Айни кунларда ушбу маърузада илгари сурилган ташаббуслар қўллаб-қувватлаш жамғармаси, экспертлар томонидан қизгин муҳокама этилмоқда. Бу, аввало, илгари сурилган ташаббусларнинг ҳар бири ниҳоятда чуқур таҳлилларга асослангани ва дунё жамоатчилигини ўйлан-тирган муаммолар хусусида аниқ ечимларни қамраб олганидан далolatдир.

Йиғилишда нутқда баён этилган барча ташаббуслар ва илгари сурилган ғоялар ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишини таъминлаш мақсадида тасдиқланган йўл харитасида белгиланган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Бу йўналишда илгари сурилган ташаббуслардан бири пандемиялар даврида давлатларнинг иштиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни қабул қилиш ғоясидир.

Ҳамон давом этаётган глобал пандемия шароитида қўллаб-қувватлаш имтиёзли муаммоларга дуч келдик, — деди бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов. — Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар бир давлат ўз

фуқаролари ва ҳамкор давлатлар олдида минимал иштиёрий мажбуриятларни қабул қилиши керак. Шу нуктаи назардан, давлатимиз раҳбарининг бу ғояси ўз вақтида ва узоқни кўзлаб амалга оширилган эзгу ташаббусдир. Ушбу хайрли ишни тўла рўёбга чиқариш ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди. Айни пайтда ушбу халқаро кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишда муҳим йўналишлар белгилаб олинди.

Энг аввало, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, ишсизликнинг олдини олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқ ва манфаатини муҳофазалаш, озиқ-овқат хавфсизлигини ва ишлаб чиқаришда узуқсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш масалаларига устувор аҳамият қаратилади.

Ҳозирги кунда ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш мақсадида ишчи гуруҳи шакллантирилди. Унга тегишли давлат ташкилотлари, нодавлат идоралар, илмий тадқиқот муассасалари олимлари ва малакали мутахассислар, халқаро экспертлар жалб этилган. Шу билан бирга, бу йўналишда халқаро тажриба ўрганиляпти.

Президентимиз ташаббусларидан яна бири БМТ Бош Ассамблеясининг барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентнинг ролини ошириш тўғрисидаги махсус резолюциясини қабул қилишдир. Айтиш керакики, БМТнинг 2030 йилгача булган Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибидан БМТга аъзо қўллаб-қувватлаш қатори Ўзбекистон ҳам маъқуллаган. Ушбу йўналишда мамлакатимизда кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда.

Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва соғлиғини муҳофазалаш, таълим сифати ва самардорлигини ошириш, экологик муҳитни барқарорлаштириш, гендер тенгликни таъминлаш юзасидан муҳим лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Бу ишларнинг натижалари халқаро рейтингларда алоҳида эътироф этилаётгани қувонарли. Хусусан, БМТ томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг 2020 йилги натижаларига кўра, Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) глобал рейтингига Ўзбекистон 71,02 фоиз натижа билан 66-ўринни эгаллади.

Айни пайтда бу йўналишдаги чора-тадбирларни янада такомиллаштириш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида

2030 йилга қадар камбағалликни қисқартириш стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз БРМга эришиш бўйича биринчи Иштиёрий миллий шарҳни кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиб, БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий кенгашига тақдим этди.



БРМга эришишни таъминлашда парламент институтидан фойдаланиш асосий инструментлардан бири ҳисобланади. Зеро, парламент халқнинг манфаатини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган олий органдир.

— Ҳозирги кунда ишлаб чиқилётган Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентнинг ролини ошириш бўйича махсус резолюция концепциясининг асосий мақсади мамлакатни демократик модернизациялашда парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллари органларининг ролини оширишдир. — деди иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари Акмалхон Ортиқов. — Мазкур концепция лойиҳаси бир қатор муҳим йўналишларни қамраб олади. Жумладан, унда парламент рол ва ваколатларини ошириш, бюджет ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш, мониторинг ва назорат қилиш йўналиши, фуқаролар ва жамоатчиликни жалб қилиш каби муҳим масалалар бор.

Бу чора-тадбирлар жамиятда ислохотларни янада жадаллаштиришда парламент ролини кучайтириш ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг фаоллигини таъминлашнинг самарали механизмларини амалиётга жорий этишга замин яратди.

Йиғилишда идоралараро ишчи гуруҳлар иш режаси лойиҳаси қабул қилишда ва муҳокамалардан сўнг тасдиқланди. Кодекс ва резолюция, уларнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи концепция лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди. Шунингдек, йўл харитасининг 1 ва 5-банди бўйича амалга оширилиши лозим булган вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 15 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, 2020 йил 15 ноябрдан ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиблари жорий этилади:

ушбу курсларни муваффақиятли тамомлаб, сертификат олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун микрокредит ажратилади.



"Микрокредитбанк" АТБ томонидан нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган:

тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмдан микрокредитлар таъминотсиз ажратилади;



Бунда микрокредитлар 3 йил муддатгача 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратилади.

Қарорга кўра, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадларига 100 миллион АҚШ доллари эквивалентида маблағ ажратилади.



2022 йил 1 январдан Тадбиркорликка ўқитишнинг ягона тизими ишга туширилади.

микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафилиги, сўғурта полислари, кредит қисбига сотиб олинётган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг қафиллиги асосида 225 миллион сўмгача микрокредитлар ажратилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги аҳолини тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хусусан, уларни ўқитиш, микрокредит ажратиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш борасида ваколатли давлат органи этиб белгиланди.



Муносабат



ЎЗБЕКИСТОН — БМТ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДАГИ МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК



Ахмат ХАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, УзЛиДеП фракцияси раҳбари

Бугун Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйди. Бу йилда у жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари ва йирик халқаро ташкилотлари билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида ўтган 72-сессиясидаги иштироки ва ушбу ташкилот олий минбаридан туриб илгари сурган қатор муҳим ташаббуслари мамлакатимиз билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берган эди.

Жорий йилда давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Туркий кенгаш ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама ҳамкорликни жадаллаштиришни давом эттириш зарурлигини таъкидлаб, Ўзбекистоннинг 2021-2023 йиллар мобайнида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиши масаласини изчил илгари сургани ҳам бежиз эмас, албатта. Инчунин, бугун БМТ халқлар ва миллатлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш ва мустаҳкамлашда замонавий халқаро муносабатларнинг бутун тизимидаги марказий институционал бўғини ҳисобланадиган универсал ташкилотга айланди. Ўзбекистон эса ана шу йирик ташкилот билан халқаро муносабатларни янада ривожлантириш йўлидан бормоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ҳамда ушбу масалалар юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, сўнгги тўрт йилда қийноқларга йўл қўймаслик бўйича жиддий ва орта қайтмайдиган ислохотлар амалга оширилди.

Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжат, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига мунтазам равишда миллий ҳисоботларини тақдим этиб келмоқда. Шу жиҳатдан, жорий йилнинг 13 октябры куни мамлакатимизнинг илк бор БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига уч йиллик муддатга аъзо сифатида сайланиши чиндан-да тарихий воқеа бўлди.

Бугун БМТ фаолиятининг учта устувор йўналиши мавжуд бўлиб, биринчиси, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, иккинчиси, барқарор тараққиётни таъминлаш, учинчиси эса инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши кўзда тутилади. 2006 йилда таъсис этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш ташкилот Бош Ассамблеясининг мазкур йўналишдаги асосий органи ҳисобланади. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича сиёсати ҳам айнан шу кенгашда ишлаб чиқилади.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлашга қаратилган саяё-ҳаракатлари БМТ фаолиятига ҳамроҳанг, деб баралла айта оламиз. Мамлакатимизнинг кенгашига сайланиши замирида ҳам Президентимизнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлашга қаратилган оқилона сиёсати ётади. Зеро, охириги уч йилда юртимизда "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" тамойили асосида халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш бўйича кенг қўламли ислохотлар олиб борилганлигига барчамиз бевосита гувоҳ бўляпмиз.

Бу йўналишда парламент фаолиятида ҳам бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳуқуқларда бўлиб, ҳақиқий аҳволни ўрганишда, аҳолининг ҳақли талаб-истақларидан келиб чиққан ҳолда, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг тўғри ечимини таъминлашда. Мазкур жараёнларда бир қатор ташкилотларнинг ҳаракати, ишлари натижасида юртимизда инсон ҳуқуқлари муҳофазаси йўлида мустаҳкам қонунчилик тизими барпо этилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Юртимизда инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳар томонлама камол топтириш Бош қонунимизнинг асосий ғоясига айланган. Зеро, инсон ҳуқуқлари, кадр-қимматини эъзозлаш, ҳурмат қилган барча давлатлар бугун тараққиёт сари одимламоқда. Инсон қадр топса, ҳурмат қилинса ва эркинликка эга бўлса, унда яратувчанлик, изланиш, ўз устида ишлаш ва ҳаётдан розилик кайфияти пайдо бўлади. Бундай ёндашувдан эса ҳам инсон, ҳам давлат манфаатдор бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, бугун Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришларга содиқлигини намоян қилиш, юртимизда кечаётган улкан ислохотлар ва янгиланишлар даврида, аввало, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш энг устувор вазифалардан бири саналади. Бу борада БМТ ҳамда бошқа халқаро тузилмалар билан фаол ҳамкорлик олиб бориш эса, албатта, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига хизмат қилади.



Янги Ўзбекистон — дунё нигоҳида

БМТ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ БЎЛГАН ВА КЕЛАЖАҚДА ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

Бошланиш 1-бетда

2017 йилда бошланган кенг қўламли ўзгаришлар нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақаси ва бутун дунёда муносиб баҳоланди. Мамлакатнинг ИХҲга сайлангани эса ушбу улкан ишлар ва ютуқларнинг БМТ платформасида тан олинishi бўлди.

2018 йил халқаро ҳамжамият Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг

70 йиллигини нишонлади. Ўзбекистонда юбилей сана муносабати билан ушбу ҳужжатнинг жамият ривожига қўшган ҳиссасини муносиб таъкидлаш мақсадида ҳаракатлар ва чора-тадбирлар миллий дастури қабул қилинди.

2018 йил ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумининг биринчи анжуманида қатнашиш шарафига миясар бўлдим. Эсингизда бўлса, биз форум доирасида Президент Шавкат Мирзиёев саяё-ҳаракатлари

натijasида Марказий Осиёда ҳукм сура бошлаган минтақавий ҳамкорликнинг мутлақо янги босқичини белгилайдиган Самарқанд руҳи ҳақида гапиргандик. Ўзбекистон раҳбари мамлакат ва минтақада тарихий ўзгаришларга асос солди. Форум натижалари бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди. Шунингдек, бундай учрашувларни ҳар икки йилда бир марта, агар зарурат бўлса, ундан ҳам тезроқ муддатларда ўтказиш тўғрисида мажбуриятлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИГА САЙЛАНИШИ — МУНОСИБ ҒАЛАБА

БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессияси доирасида ўтказилган сайловда Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши (ИХҲ)га сайлангани муносабати билан халқаро сиёсий доиралар вакиллари, экспертлар, дипломатлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

Гюнтер ОВЕРФЕЛЬД, Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



— Ўзбекистон Республикаси БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига янги аъзо бўлиб сайланганидан хурсандман. Мамлакатнинг мазкур нуфузли халқаро тузилма таркибига сайланиши Президент Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган ислохотларда инсон ҳуқуқлари муҳим ўрин эгаллаганини билдирди. Ушбу интилиш Ўзбекистоннинг 2017 йилдан буён халқаро миқёсда тутган фаол роли ҳамда унинг БМТ ва ЕХҲТ билан яқин ҳамкорлигида уз ифодасини топмоқда.

Мен мултилатерал тартиб-қоидаларга асосланган ушбу фаол ҳаракатни қўллаб-қувватлайман. Бу бугунги кунда барча давлатлар дуч келаётган глобал муаммолардан қатъий назар, ривожланиш ва ўзаро тинч ҳамкорлик учун пойдевор яратди.

Биз Ўзбекистон билан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг янги аъзоси сифатида ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз.

Дархан САТИБАЛДИ, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



— Мен 2021-2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига Ўзбекистон Республикасининг сайлангани ҳақидаги хушxabарни самимий қувонч билан қабул қилдим. Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли халқаро тузилмага сайланиши мамлакатнинг изчил, барқарор ва конструктив сиёсатига нисбатан халқаро майдонда кўрсатилган муносиб ҳурмати яна бир бор тасдиқлади. Ушбу воқеа мамлакатнинг, авваломбор, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташқи сиёсатдаги хизматларининг табиий ва мантқий натижасидир.

Биз мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган

улкан ишларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Дунё ҳамжамияти Ўзбекистонга овоз бериб, давлат раҳбарининг ташаббусларини қўллаб-қувватлади ва юқори баҳолади. Шуниси қувонarliки, Президент Шавкат Мирзиёев бир неча hafta олдин БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни ўзгартирган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, ортага қайтмас демократик ўзгаришларнинг натижаларига эътибор қаратди. Шу нуктага назардан, ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, соғлиғи ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда шакллантиришдек ўта муҳим ва зарур мақсад белгиланган.

Ўзбекистонга халқаро миқёсда катта ишонч билдирилди. Биз мамлакат ушбу масъулиятли вазифани муносиб бажаришига, инсон ҳуқуқлари бўйича нуфузли халқаро ташкилот фаолиятига салмоқли ҳисса қўшишига ишонамиз.

Гусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



— Мен биродар Ўзбекистонни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашидаги нуфузли ташкилотга аъзо этиб сайлангани билан қутлайман. Маълумки, Ўзбекистон кенг қўламли ислохотларни давом эттириш ва дунё бўйлаб инсон ҳуқуқлари таъминлашига ҳисса қўшишига содиқдир. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йилда тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия фикримизга далил бўла олади.

Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётганининг ёрқин тасдиғи ва эътирофидир. Шунингдек, мамлакат БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мақсад ва тамойиллари, бу борадаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ эканини намоян этмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Ўзбекистон халқини ушбу муҳим воқеа билан яна бир бор табриқлайман ва мамлакатингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Леонид МАРИНИЧ, Беларуснинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:




— Беларус Республикаси 2020 йил 13 октябры куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021-2023 йиллар учун сайланган 15 аъзо давлатни қўлайди. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонни Осиё-Тинч океани минтақасидан ушбу кенгашга сайлангани ва овоз бериш жараёнида хорижий давлатлар томонидан қизгин қўллаб-қувватлангани билан самимий табриқлайман.

Ўзбекистоннинг ИХҲга сайланиши нафақат ўзбек дипломатиясининг муҳим ютуғи, балки айни пайтда Ўзбек жамияти томонидан амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг халқаро миқёсдаги энг юқори даражадаги эътирофидир.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий халқаро органи ҳисобланади. Ўзбекистоннинг мазкур тузилмадаги фаол иштироки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улларга риоя қилиш соҳасидаги устувор йўналишларни самарали амалга оширишга, шунингдек, ИХҲ фаолияти ҳолислигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Беларусь ва Ўзбекистон турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни фаол ва самарали ривожлантириб, халқаро майдондаги ташқи сиёсий позицияларини мувофиқлаштириб келмоқда. Шу муносабат билан Беларусь ва Ўзбекистон ўртасидаги яқин ҳамкорлик БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши доирасида янада фаоллашади.

Амира ФАҲМИ, Мисрнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:



— Ўзбекистоннинг 2021-2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига

Тариқ ал-ВАСИМий, Миср ташқи ишлар вазирининг ўринбосари:



— Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни мамлакатни ўз тарихида биринчи мартаба БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани билан табриқлайман.

Ўзбекистон ушбу муҳим ва нуфузли халқаро ташкилот фаолиятида муносиб иштирок этади. Шуниси эътиборга лойиқки, Ўзбекистон Хитой, Покистон, Саудия Арабистони ва Непал сингари кучли рақибларга қарши тенг курашда ғалаба қозонди.

Миср биринчилардан бўлиб Ўзбекистоннинг 2021-2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига сайланишини қўллаб-қувватлади. Мамлакат раҳбарияти Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Синининг 2018 йил 4-5 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давомида икки давлат етакчилари томонидан эришилган келишувларга мувофиқ БМТ ва Ислон ҳамкорлик ташкилоти доирасида Ўзбекистонни ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттиради.

сайлангани мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасидир. Бу саяё-ҳаракатлар халқаро ҳамжамият томонидан муносиб эътироф этилди.

Биз Ўзбекистон томонидан миллати, ирқи, тили, дини, мулкий ва расмий мақомидан қатъий назар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тенглиги қафолатларини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқлардан хурсандим.

Шу маънода, оналар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларини

миллий қонунчиликка татбиқ этишда эришилаётган натижалар алоҳида эътирофга лойиқ. Бу ютуқлар жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш учун асос бўлмоқда.

Миср Ўзбекистоннинг 2021-2023 йилларда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайланишини қўллаб-қувватлагани дўст давлатнинг суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишонч далилидир.

Ўзбекистонни муносиб ғалаба билан табриқлайман!

Альберто ТУРКСТРА, Европа-Осиё тадқиқотлари институти дастур директори:



— Ўзбекистоннинг ўз тарихида биринчи марта БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани мамлакат раҳбарияти томонидан сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қонунчилик ва институционал базани мустаҳкамлаш, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизлар ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда олиб борилаётган ишларнинг эътирофи, деб баҳолаш мумкин. Хусусан, жорий йил Президент Шавкат Мирзиёев томонидан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" мамлакатнинг ўз фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш борасидаги саяё-ҳаракатларини таҳминлаштиришга қаратилган.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг сайланиши пахта далаларида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича ташланган амалий қадамлар тан олинганининг белгисидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон сўнгги йилларда, жумладан, 2018 йил Самарқандда инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ва жорий йил август ойида бутун дунёдан 1000 дан зиёд олим ва эксперт иштирокида бўлиб ўтган ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Самарқанд онлайн форуми каби инсон ҳуқуқларига риоя қилишга ёрдам беради. Ўзбекистонга катта умидлар боғланган ва мамлакат бу борада барча имкониятларни ишга солишига ишонамиз.

Қарор ва ижро

Қайси бир маҳалла, ҳовли ёки хонадонга кирманг, саранжом-саришта, тоза ва озода бўлса, дил яйрайди. Бу ерда ўзини хурмат қиладиган, дидли-фаросатли одамлар яшар экан, деган фикрга борасан. Юртимиз меҳмонлари ҳам кўчаларимиз, уй-жойимиз, шаҳримиз кийёфасига қараб, биз ҳақимизда дастлабки таассуротга эга бўлади.



ОЗОДАЛИК ВА ОБОДЛИКНИНГ МУКОФОТИ

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ВА УЗОҚ УМР КЎРИШДИР



Сафар ОСТОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси

Бу гаплар озодлик ва ободликнинг руҳий, маънавий ва маданий жиҳатлари. Масаланинг энг асосий томони эса инсон саломатлиги муҳофазаси билан боғлиқ. Дунё аҳолиси сони ошиб бориши, қурилиш ишлари кўлами кенгайиши, саннат қорхоналари ривожланиши турли чикиндилар кўпайишига сабаб бўлмоқда. Агар бугун зарур чоралар қўрилмаса, эртага улар инсон саломатлиги ва атроф-муҳитга катта зиён етказувчи хавф-хатарга айланиши мумкин.

Жорий йил 29 сентябрь куни Президентимизнинг "Маиший ва қурилиш чикиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолагани ҳам бу масала қанчалик муҳимлигини кўрсатиб турибди.

Қарорнинг мақсади, мазмун-моҳияти маиший ва қурилиш чикиндиларини тўплаш, олиб чиқиб кетиш, қайта ишлаш ёки утилизация қилиш масалаларига аъзо вазирилари, ташкилотлар зиммасидаги вазифаларни аниқ белгилаш, улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Қарорда иқтисодий соҳалар, аҳоли пунктларида ҳосил бўладиган маиший ва қурилиш чикиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, чикиндиларни қайта ишлашда юқори технологияларни қўллаш жорий этиш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш, ушбу соҳага тадбиркорларни кенг жалб қилиш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари кўрсатиб берилган.

Ҳужжат билан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат-хусусий шерикликини ривожлантириш ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг ҳудудларда маиший чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда давлат-хусусий шериклигини янги моделини бошқариш жорий этиш тўғрисидаги тақлифи маъқулланмоқда, бу шериклик тартиб-қоидалари белгилаб берилмоқда.

Бундай қарорга келинишининг сабаби шундаки, давлат идоралари, жумладан, ҳокимликлар зиммасида бўлиб келган бу ишлар талаб даражасида урдаданмади, чикиндилар билан боғлиқ муаммолар ўткир туш ола бошлади. Айниқса, коронавирус пандемияси шароитида олинган сабоқлар чикиндилар билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу қарор, аввало,

атроф-муҳит, биз нафас олаётган ҳаво тозаллигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилгани билан қимматлидир. Кўплаб касалликлар айнан ер, сув ва ҳавонинг ифлосланиши, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаслиги оқибатида келиб чиқади. Маҳалла ҳудудида тўпланиб, туриб қолган чикинди, дараклар тагига, йўлаклар четига, ёмғир суви учун мўлжалланган ариқлар ичига ташлаб кетилган турли чикиндилар ёки уларни ёқиб ҳолатлари аҳоли саломатлиги учун зиён етказишини инкор этиб бўлмайди.

Тўғри, кейинги йилларда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. "Чикиндилар тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Чикиндилар билан боғлиқ ишларни бажарувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб берилди. Чикиндиларни тўплайдиган махсус жойлар ташкил этилди, темир қутилар қўйилди, уларни ташиб, олиб кетадиган транспорт воситалари сони кўпайди. Уларни тўплайдиган махсус майдонлар ажратилиб, зарарсизлантириш, қайта ишлаш бўйича бирмунча тажриба тўпланди.

Бироқ мамлакатимиздаги бугунги тезкор ислохотлар қамрови ва янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улғу мақсадлар талабидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлса, атроф-муҳит тозаллигини таъминлаш борасидаги ҳозирги ишлардан кўнгли тўлмайди, албатта. Дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасига қараб, хулоса қиладиган бўлса ҳам бажаришимиз зарур бўлган ишлар оз эмаслигини англаймиз.

Қарорда аҳолини маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олиш даражасини жорий йил якунига қадар 90 фоизга, 2021 йилда 100 фоизга етказиш белгиланди. Қаттиқ маиший чикиндиларни қайта ишлаш ҳажимини жорий йил охиригача 21,8 фоизга, 2021 йил якунида 36, 5 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Бу ишлар ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Янги инновацион тақлиф ва ташаббуслар, таҳлил ва хулосалар, катта маблағ керак бўлади, хусусий сектор улушини ошириш талаб этилади. Қарорда хусусий сектор улушини 2022 йил якунига қадар 50 фоизга етказиш белгиланган. Бу мақсадга эришиш учун хусусий шерикка қатор имтиёзлар берилмоқда.

Кўпчиликка маълумки, бинолар ва иншоотлар, жумладан, йўллар ва муҳандислик коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ёки бузиш ишларида ҳосил бўладиган қурилиш чикиндилари (туңука, темир қувур, арматура, гишт ва ҳоказо) бўйича қатъий назоратнинг йўқлиги учун улар талон-тарож қилинарди ёки қурилат-хусусий шериклигини янги моделини бошқариш жорий этиш тўғрисидаги тақлифи маъқулланмоқда, бу шериклик тартиб-қоидалари белгилаб берилмоқда.

Шу ўринда айтиш кераки, бузиладиган, реконструкция қилинадиган ҳар бир бинодан чиқадаган қурилиш чикиндилари ҳисоб-китоби қатъий юритилишини йўлга қўйиш шарт.

Қарорда аҳоли манфаатига, атроф-муҳит тозаллигига хизмат қилувчи яна кўплаб вазифалар белгилаб берилган. Масалан, хонадонлар сони 300 тадан ортиқ

бўлган кўп қаватли уй-жойлар маиший чикиндиларни тўплаш шох-чочалари билан таъминланмаган бўлса, фойдаланишга қабул қилинмайди. Қурилиш ишлари олиб борилаётган жойда ҳосил бўладиган чикиндиларни сараланган ҳолда тўплаш ва вақтинча сақлаш мутасадди юридик ва жисмоний шахслар зиммасига юклатилмоқда. Улар бу чикиндиларни қайта ишлайдиган юридик шахсларга топширади ёки бу ишларни ўз кучи билан амалга оширади.

Маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш учун келмуши тўлов тарифлари (ўзаро келишилган нархларда амалга ошириладиган алоҳида хизматлар учун тўловлар бундан мустасно) тўғрисида одамлар турли фикрларни билдириб келди. Бу масалада ҳам энди ошқоралик ва адолат таъминланади. Бундан кейин нархларни тартибга солиш органлари хулосалари олинган, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашлари қарорлари билан маъқулланган, тасдиқланади. Демак, бу масала халқ вакиллари — депутатлар томонидан кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

Яна икки муҳим янгиллик шуки, 2020-2021 йилларда маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан қурилиш ва маиший чикиндилар полигонларини қуриш ҳамда жиҳозлаш бўйича маъмулий дастурлар тасдиқланди. 2021 йил 1 январдан бошлаб эса аҳоли томонидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг интернет тармоғидаги махсус ахборот тизимига экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳақида юборилган фотосуратлар ва видеоёзувлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда қўриб чиқилади. Ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар юборган фуқаролар ҳуқуқбузарлардан ундирилган жарима миқдорининг ўн беш фоизи миқдориди пул мукофоти билан рағбатлантирилади. Фотосуратлар ва видеоёзувларни тақдим этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар сир тутилади.

Бу чора-тадбирлар, биринчидан, экология ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиатни асрашда жамоатчиликнинг фол иштирокчи таъминлади. Иккинчидан, улар рағбатлантирилиб, меҳнатлари харажати муайян миқдорда қўпчанмоқда.

Қарорда янги таҳрирдаги "Чикиндилар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш вазифаси қўйилгани бу масала қанчалик долзарблигининг яққол исботидир. Бугунги ҳаётимиз ва турмуш тарзимиздаги ўзгаришлар талабига, тўпланиб қолган муаммолар ечимига эски қонуннинг кучи етмай қолгани табиий. Унга қўллаб ўзгариш ва қўшимчалар киритишни давр тақозо этмоқда. Ушбу қарорда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари янги таҳрирдаги қонун лойиҳасида қамраб олинган, албатта.

Маиший ва қурилиш чикиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш атроф-муҳит ҳимоясини таъминлаш, экологик маданиятни юксалтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, юртимиз янада кўркам ва обод бўлишига хизмат қиладди.

Тараққиёт мезонлари

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ — РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Худойберди КАРИМОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бутун мамлакатимизда рўй бераётган янгиланишлар каби Жиззах вилоятида ҳам кейинги уч-тўрт йилда саноатни янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришда қўшимча қиймат занжирини яратиш, ички тармок ва тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш, махсулотлар рақобатбардошлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги вазифаларни амалга оширишда Президентимизнинг 2019 йил 24 августдаги "Давлат ва ҳўжаллик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича масъулиятни янада ошириш тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 мартдаги "2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидорлар махсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорлари ҳуқуқий ҳамда амалий асос бўлиб хизмат қилляпти.

Ҳўш, вилоятда маҳаллийлаштириш дастури бўйича қандай ишлар амалга оширилди? Бу ишлар нималарда, қандай кўринишда ўз аксини топади? Эътиборингизни факт ва рақамларга қаратамиз. Жорий йилнинг ўзида маҳаллийлаштириш дастурига киритилган қорхоналар сони 4,5 ярим баробар, лойиҳалар эса 2,2 баробар кўпайди. Ана шундай ўсиш махсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Кейинги уч йил ичида бу борадаги ўсиш 19,5 мартадан ошгани фикримизни тасдиқляйди.

— 2020 йилда маҳаллийлаштириш дастурига кирган 33 та қорхонада 50 турдаги салкам 319 миллиард сўмлик, 2021 йилда эса бундай жамоалар сонининг 37 тага етиши орқали 54 турдаги 690 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган, — дейди Жиззах вилояти ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси Сарвар Абдуллаев. — Шунингдек, мазкур қорхоналарда 100 миллион АҚШ долларини қийматидида импорт ўрнини босувчи махсулотларни ишлаб чиқариш, 3 минг нафардан ортиқ янги иш ўрни яратиш



қилинишига ҳожат қолмади, дегандир. Бундан ташқари, ана шундай махсулотларнинг 5,4 миллион долларлик қисми экспорт қилинди. Янги иш ўринлари яратиш борасида белгиланган вазифалар ҳам қарийб бажарилди.

Маҳаллийлаштириш дастурининг импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш қисмига киритилган режалар ҳам анча ортиғи билан адо этилди. Тўқ-

тикув иплари, қадоқлаш буюмлари, "Mega invest industrial" қорхонасида базальт толали арматура, тўр ва ровинг, "Sofitel" қорхонасида пигментлар ва бўёқлар ишлаб чиқариш учун жиҳозлар ва бошқа махсулотлар тайёрлашга эришилди.

— Қорхонамиз автомобиллар учун антифриз, ҳаво филтёрлари ишлаб чиқариш, ишлатилган техник ҳамда мотор мойларини қайта ишлатиш учун тозалаш, шунинг-



Жиззах вилояти маҳаллийлаштириш дастурининг кенгайтириш, янги лойиҳалар билан бойишига сабаб бўлмоқда. Кейинги уч-тўрт ой ичида импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 36 та қўшимча лойиҳа шакллантирилгани бунни тасдиқляйди.

қиз ой давомида истеъмол бозорига 350 миллиард сўмликка яқин шундай махсулот етказиб берилди ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бир ярим баробар ўсишга эришилди.

Соҳадаги ишларнинг тўғри ва оқилона ташкил этилиши, мавжуд ишлаб чиқариш қорхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, дастур доирасидаги лойи-

дек, юқори кучлиниги мўлжалланган симлар тайёрлашга ихтисослашган, — дейди Пахтакор шаҳрида фаолият юротаётган "World trading company" МЧЎ раҳбари Зайниддин Ибрагимов. — Ўзбекистон дунёнинг автомобиллар ишлаб чиқувчи давлатлари қаторида бўлгани боис, бу бори томондан, ишлаб чиқараётган махсулотимиз харидорлигини таъминласа, иккинчи тарафдан, бизни фақат сифатли махсулот ишлаб чиқаришга ундайди.

Дарҳақиқат, Жиззах вилоятидаги маҳаллийлаштириш дастурига киритилган қорхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ҳажми ва тури кўн сайин кенгайиб бормоқда. Улар шу йилнинг ўзида кўш сув иситкичлари, тиббий шприцлар, антифриз, ҳаво филтёрлари, ойнапахта (стекловата), маиший техника буюмлари, полипропилен қувурлар, жинси мато, скотч ва бошқа турдаги махсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиргани қайта таъминлади.

— Вилоятимиздаги маҳаллийлаштириш дастурига кирган қорхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати, замонавий техника ва технологиялар, малакали мутахассислар, ички кучи билан таъминланиш қамрови бундан-да юқори натижаларга эришиш имконлигини дадалат беради, — дейди Сарвар Абдуллаев. — Шунинг учун йил якунигача 50 турда яқин бўлган қарийб 600 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқариш, 60 миллион доллардан ортиқ валютани тежаб қолишга қурбимиз етади.

Соҳа масъуллари ва мутасаддилари, тадбиркорлик субъектлари, ташаббускорлар томонидан импорт ҳажми ва таркибини пухта таҳлил қилиш, мавжуд хомаш ресурслари захирасини ўрнини яратилаётган имоният ва қўлайликлардан унумли фойдаланиш Жиззах вилояти маҳаллийлаштириш дастурининг кенгайиши, янги лойиҳалар билан бойишига сабаб бўлмоқда. Кейинги уч-тўрт ой ичида импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 36 та қўшимча лойиҳа шакллантирилгани бунни тасдиқляйди.

Бундан бир неча кун аввал ана шундай лойиҳалардан бирига тамал тоши қўйилди — "Жиззах" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида "Оптик толали алоқа кабели" лойиҳаси доирасида "Global Optical Communication Uzbekistan" қўшма қорхонаси учун ишлаб чиқариш мажмуасини барпо этиш ишлари бошланди. Қуввати йилга 50 минг километрга етадиган оптик толали алоқа кабели тайёрлайдиган қорхона учун 11 миллион АҚШ долларини миқдоридан инвестиция киритилиши режалаштирилган. 2021 йилнинг охиригача тўлиқ қувват билан фаолият бошлаши кутулаётган жамоада 300 тагача янги иш ўрни яратилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ишлаб чиқаришни локализациялаш ишларининг тизимли йўлга қўйилгани, кооператив алоқаларнинг кенгайиб бораётгани Жиззах вилоятида маҳаллийлаштириш дастурининг муваффақият билан бажарилишига ишонч уйғотади.

"Roison Home White Goods" қорхонасида 89,3 миллиард сўмлик маиший техника буюмлари, "Betlis" қорхонасида 22,5 миллиард сўмлик экспортбоп трикотаж махсулотлари, "Master building products" қорхонасида 23,8 миллиард сўмлик полипропилен қувурлар, вентиляр, фитинг ва аксессуарлар ишлаб чиқарилди



21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

ТИЛ ВА ЖАМИЯТНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

миллий бирликни таъминлаш, оммавий саводхонликни ошириш ва илм-фанни ривожлантиришга хизмат қилади



Ёрқинжон ОДИЛОВ, Ўзр ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти бўлим мудир, филология фанлари доктори

Тилни тўқис тадқиқ этиш учун тилшунослик доирасидаги иш кўришини камилга бугун шу фан мутахассисларининг ҳеч бирига сир эмас. Шу боис, замонавий лингвистик тадқиқотларда бошқа фанлар ютуқларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Ана шундай уринишларнинг самараси ўлароқ, лингвомаданиятшунослик, когнитив тилшунослик, этнолингвистика, психоллингвистика, этнопсихоллингвистика, прагматлингвистика каби соҳалар ривож топмоқда ва бу соҳалар тилга, аънанавий структуралардан фарқи равишда доимий ҳаракатдаги, ўсиш-ўзгаришдаги ҳодиса сифатида ёндашаётгани билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Социоллингвистика ҳам жамиятшунослик ва тилшунослик кесилган нуқтада пайдо бўлган соҳа сифатида тилнинг асосларини жамиятдан, жамиятнинг асосларини тилдан қидиради, ижтимоий-сиёсий омилларнинг тилга таъсири ва яна бошқа масалаларни текширади.

Тадқиқотларда социоллингвистиканинг расман АҚШда шаклланиши кўп айтилса ҳам унинг марказий масаласи бўлган тил ва жамиятнинг ўзаро таъсири, тилнинг жамиятда тутган ўрни, миллий тиллар ва давлат тили, тил сиебатида доир қарашлар ҳинд, япон, инглиз, немис ва чех тилшуносликларида социоллингвистика номи остида бўлмаса-да, ўрганилган эди. Америка тилшуноси У.Лабов фаол социоллингвистик тадқиқотлар кўп тили Ҳиндистонда ҳиндийни ягона давлат тилига айлантириш ғояси билан боғлиқ вақтлардаёқ бошланганини қайд этади.

Ўзбек тилшунослигида тилнинг ижтимоий табиати, жамиятнинг тилга таъсири масаласига ўтган асрнинг 80-йилларида "Тилшуносликка кириш" кўланмасида алоҳида тўхтаган бўлса ҳам тил ва жамият муносабати анча аввалроқ тилга олина бошланган. Фитрат, Эпбек, Боту сингари жадидларнинг асарларида оами-кўпми шунга оид қайдлар бор. М.Миртожиев ва Н.Маҳмудовнинг "Тил ва маданият" рисоласида ҳам тилнинг ижтимоийлиги, давлат тили ва тил сиебати ҳақида сўз кетган ўринлар мавжуд. Мутахассислар С.Муминовнинг "Ўзбек мулоқот нутқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари" номли докторлик диссертациясини социоллингвистик аспектдаги илк иш сифатида қайд этади. Кейинги йилларда бу борадаги тадқиқотлар қўламини анча кенгайтирди.

Бутун дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари социоллингвистик тадқиқотларнинг нақадар зарурлигини миллий тиллар ва инглиз тили экпанцияси мисолида аён этиб қўйди. Миллий тиллар лугат тарихига катта миқдордаги инглизча сўзларнинг кириб бориши тил сиебатида ўзгаришлар қилиш зарурлигини ҳам кўрсатмоқда. Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ва нуфузини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ўзбек тилининг давлат тили сифатида қаддини руй-рост тиклашини, ижтимоий мақомининг янада барқарорлашуви таъминлади. Ана шу фармоннинг амалий ифодаси сифатида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтига социоллингвистика бўлимининг ташкил этилиши эса давлат тили ва жамият муносабатларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар кенгайиши ва қучайишини таъминлади. Бу бўлим ўз фаолиятида ўзбек тилининг ривожланиши билан боғлиқ фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш ва кенгайтириш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш борасидаги илмий изланишларни қучайтириш, ўзбек тилининг ёзма матни меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш, ўзбек тилининг изоҳли лугатлари, давлат тилида иш

юритиш бўйича қўлланма ва адабиётлар тайёрлаш, давлат тилини ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга алоҳида эътибор беради.

Лингвистик адабиётларда тил ва жамият муносабати, тилнинг социал фарқланиши, жамиятдаги лисоний вазият, тил ижтимоийлиги, тил ва ижтимоий муносабатлар, ижтимоий омилларнинг тилга таъсири, иккитиллик ва кўпттиллик, тил сиебати, миллат ва миллий тил муаммолари социоллингвистиканинг муҳим вазифалари саналади. Шу жиҳатдан тилнинг социал фарқланиши турли маслал, турлича касб-кор, турфа аклий-руҳий имкониятдаги жамият аъзоларидан ташкил топганидан келиб чиқади ва бунга мос равишда ҳар қайси ижтимоий гуруҳнинг фаол ҳамда нофаол лугат тарихи бўлади. Жамият аъзоларининг худудий мансублиги ҳам, табиийки, ҳар хил. Бинобарин, социал ва худудий диалектлар ижтимоий гуруҳларнинг маслал, касб-кор, аклий-руҳий имконият ва худудий келиб чиқишига кўра, тилдан фойдаланиш тарзларидир.

Шу маънода ҳозирги замон социоллингвистикасидан социал ва худудий диалектларни шунчаки қайд қилиш, лингвистик табиатини тушунтиришигина эмас, балки улардан унумли фойдаланиш йўллари кўрсатиш ҳам талаб этилади. Эеро, адабий тилни бойитиш, ўзлашма терминларга миллий мўқобилларни топишда социал ва худудий диалектлар муҳим лексик-семантик манба бўлиши аниқ. Биргина суд-ҳуқуқ тизими лексикасида афе, вай, жаров, гумондор, гумонланувчи, ижрочи, иш, тадбир, ўзлаштириш сўзларининг ихтисослашган, маъсулланган янги маъноларидан адабий тилни бойитиш ва расмий услуб имкониятини кенгайтиришда фойдаланса бўлади.

Кишилар ўртасидаги алоқани таъминлаш тил ижтимоийлигининг биринчи ва зарурий тилни бўлиб, тилшуносликнинг барча даврларида тилнинг бу мақоми эътироф этилган. Аммо тилнинг ижтимоий табиати, "социал хосланганлиги унгар қабила, халқ, миллат тарихини, умуман, инсоният ўтмишини ўзида сақлашда ҳам кўринади". Жамият аъзоларининг тилга муносабати, тилдан қандай фойдаланиши, жамиятдаги ўзгаришларнинг тилга таъсири ҳам тил ижтимоийлигидан бегона эмас. Ўзбек тили тарихий тараққиётида ўзи мансуб жамиятнинг фаол таъсирида бўлган, ўзбек турмушидаги ўзгаришлар, менталитетига таъсирлар тилда ўз изини қолдирган. Масалан, араб халифалиги ва ислом таъсирида арабча бирликлар ўзлашган, ўзлаштирилган. Ёки муфол хукмронлиги мўғулча тил унсурлари кириб келишига замин бўлган. Жадидчилик ҳаракатининг ёйлиши билан арабий ўзлашмаларни туркча-таъсирлар ҳам киритилган. Айниқса, собиқ иттифоқ даврида минг-минглаб сўзлар рус тилидан ёки унинг воситасидаги бошқа тиллардан ўзлаштирилган, чет сўзларни олишининг муйайян моделлари қабул қилинган. Буни биргина -ия, -ция қўшимчаси билан тугайдиган сўзлар мисолида кўриш мумкин. Истиклолга эришганимиздан сўнг ўзбек тили ривожининг янги имконлари очилди, кўплаб эскирган сўзларнинг қайта фаоллашуви таъминланди. Глобаллашув даври эса кўплаб тиллар қатори ўзбек тилини ҳам халқроқ тилларнинг фаол таъсирига учратмоқда. Диққат қилинса, зикр этилган таъсирлар ва тилдаги ўзгаришларни соф лисоний эмас, тилдан ташқари, масалан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий жараёнлар ҳаракатлантирмоқда. Ўзбек социоллингвистикаси ана шундай таъсирлашувларни холис баҳолаш, миллий тил ва давлат тили манфаати нуқтаи назаридан иш қўриши лозим бўлади.

Жамият тараққиётининг барча даврларида тилга камдир-кўлдир таъсирлар бўлиб туради. Баъзан узоқ вақт тилнинг бирор сатҳи жамият, инсон омили билан боғлиқ таъсирларга, ўзгаришларга учрамайди ёки тилга таъсир умумийлиги миқёс касб этмайди. Бироқ ёзув ва имло борасидаги ўзгариш иш янгилашлар умумийлиги миқёсда, жамиятнинг онгли аралашуви остида ҳал қилинади. Ҳатто ҳужумат бундай лисоний жараёнларга фаол таъсир ўтказмади (ўзбек- араб, ўзбек-лотин, ўзбек-кирилл ва яна ўзбек- лотин алифбаларининг жорий

этилишида шунки қузатиш мумкин), миллий манфаатлар юзасидан лисоний жараёнларни назоратга олиш, тартибга солишда иштирок этади. Зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади, тил масалалари билан шугулланувчи ваколатли тузилмаларни ташкил этади. Масалан, "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши, Президентининг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонининг эълон қилиниши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Давлат тилини ривожлантириш департаментининг ташкил этилиши, Атамалар комиссиясининг иш бошлаши шундан далолатдир.

Терминологияни тартибга солишда вертикал таъсир чораларининг ўрни ҳам муҳим. Шу маънода ўтган асрнинг 90-йилларида фаолият кўрсатган Атамақўмининг терминологияни тартибга солишдаги хизмати катта бўлган. Ҳозир тилда барқарорлашган ҳолим, ҳоқимият, девон, вазир, қўмита, туман, вилоят, муаллиф, тахририят, муҳаррир, мавзу, режа сўзлари ўша даврда қайта фаоллаштирилган сўзлардир. Ўз навбатида, бундай фаоллашув шу сўзларнинг аввалги мўқобиллари — райком, аппарат, министр, комитет, район, область, автор, редакция, редактор, тема, план сўзларининг эскиришига, нофаол қатламга ўтишига олиб келган.

Глобаллашув даври ўзбек тили терминологиясини тартибга солишда ҳам вертикал таъсир чораларига эҳтиёж бор, чунки ўзбек тили терминологиясида мўқобили бўлган ҳолда ўринсиз ўзлашган, соҳавий лексикага қабул қилинган чет сўзлар йиғилиб қолган. Масалан, яқин йилларда компетенция сўзи пайдо бўлди. Инглиз тилида "competence", рус тилида "компетенция" шаклидаги бу сўз асли "маҳорат", "қўбилити", умуман эса "лаёқат" маъносини билдиради. Ўзбек тилида бу олинмаги лаёқат сўзи тўла алмаштири олади. Компетенция сўзи олинмаганда ўзбек тилининг ички имконияти эътиборга олинмаган. Натижада нотўғри ўзлашма асосида компетенция, компетенциявий сингари терминлар ҳам ясалган. Агар чет сўзга бу қадар ўчлиқ бўлмаганда, "компетенция" лаёқат, "компетентность" лаёқатлик деб қалъаланган ва компетенциявий тарзидаги ғалати ясалма "бино бўлмас" эди.

Мўқобили бўла туриб, олинган сўзлардан яна бири креативдир. Инглиз тилида "creative", рус тилида "креативный" шаклидаги бу сўз ҳар икки тилда "ижодий" маъносини аниқлатади. Бу олинма ўзбекча матнларда "креатив фикрлаш", "креатив ёндашиш" сингари бирикмадан кўлланилмоқда. Энди ушбу олинма ўрнига ижодий сўзини қўйсак, ижодий фикрлаш, ижодий ёндашиш тарзидаги маъни тўқ бирикма ҳосил бўлади, чунки креативнинг мақбул мўқобили ижодийдир. Давлат тилини ривожлантириш департаменти ҳузурда Атамалар комиссиясининг ташкил этилиши аниқ эҳтиёж натижаси бўлиб, терминологияни ўзбек тилининг ички имкониятларидан фойдаланиб миллийлаштириш, тартибга солиш унинг асосий вазифаларидандир.

Собиқ иттифоқ ҳаётининг ҳамма даврларида чет тилларга (масалан, немис, инглиз тиллари) муносабат бугунгидек бўлмаган, давлат ўз фуқароларининг чет тилларни лозим даражада эгаллашини хошламаган. Бундай тил сиебатида кўзланган мақсад эса дунёга "ёпилиш", ташқи дунёга қўшилишни чеклаш, чегаралаш бўлган. Ўтган асрнинг биринчи ярми собиқ иттифоқ тил сиебати ҳақида тилшунос А.Оғурцов келтирган факт буни тасдиқлайди: "Сталинча он ... чет тилларни билишга жуда шуҳалли нарса сифатида қараган. Масалан, Бухариннинг судлов жараёнида Вишнскиий исми киши унинг тўртта хорижий тилини билишини "фощ" қилар экан, бу устунлик Бухаринга совет ҳукумати тўрт тилда тўхмат қилиш имконини беришини айтади". Чет тилларни давлатга, мафкурага хавф сифатида тушунилган бундай муносабат шўро тузумининг кейинги даврларида юмшаган бўлса-да, амалда чет тилларни ўрганишга кенг йўл очилмади, мактабларда чекланган дарс соатлари ажратилди.

Собиқ иттифоқ инқирозга учрагач, мустақил республикаларда чет тилларни ўрганишга кенг йўл очилди, тил сиебати

мўътадиллашди, чунки миллий республикаларнинг ўзи дунёга очилишни, қўшилишни истарди. Ўзбекистонда ҳам чет тилларни, айниқса, жаҳон тилларини ўқитишга катта эътибор қаратилди. 1992 йилда собиқ Рус тили ва адабиёти институти ва Тошкент чет тиллари педагогика институтларининг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига айлантирилиши зарур амалий ишлардан бири бўлди. Шундан кейин чет тилларни ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган давлат даражасидаги ҳужжатлар қабул қилинди. Энди чет тилларни билиш зарарли эмас, фойдали одат деб қараладиган бўлди.

Чет тилларни ўрганиш — яхши ва жуда зарурий юмуш. Чет тиллардан бирини эгаллаган мутахассисга бугун талаб ҳам, эҳтиёж ҳам катта. Аммо "хорижий тилларни она тилини эсдан чиқариш ҳисобига ўрганиш нодуруст. Чунки она тилини унутиш ҳисобига ўранилган хорижий тил она тилининг ўрнини босиб олиши муқаррарки, бунда миллий тафаккур ва миллий идрок бутунлай бошқа, бегона тафаккур ва бегона идрокка айланади". Афсуски, бугун ижтимоий тармоқлар тилида инглизлашув, инглизча унсурлар (бошқасини қўя турайлик) кўпайиб бормоқда. Масалан, вей ундов сўзи ўрнида вей; маъқул, бутпчи, яхши сўзлари ўрнида ок; ташаббус, чақирик, даъват деган сўзлар бўла туриб чепленж омалашмоқда; лайк (бос), нейминг, хештег, тег, блогпост, пост, колумниста ўхшаш варваризмлар бисёр. Бундай ўзлашмаларни тезда аниқлаб, тилда "қотиб" қолмасдан тегишли мўқобилларни алмаштириш керак. Чунки, лайк (бос) сўзини маъқулла, нейминг сўзини ном билан бемалол алмаштириш бўлади. Битта чепленж сўзига тилмизмада учта мўқобил бор: ташаббус, чақирик, даъват ва уларнинг ҳар биридан ўрни билан фойдаланса бўлади. Шунингдек, тилни яхши билмаслик оқибатда келиб чиққан "компьютерларга хизмат кўрсатиш", "машинларга хизмат кўрсатиш" каби нотўғри таржималар учиб бормоқда. Асли бунда компьютерларни тузатиш, машиналарни таъмирлаш дейилса, ифода ўзбекчада ҳам ва тўғрироқ чиқади. Тил ва жамият муносабатида бундай муаммоларнинг келиб чиқиши эса глобаллашув таъсири, китоб ўқимаслик, тил сезгимизнинг ғариблашаётгани билан боғлиқдир.

Жамият аъзоларининг тилга муносабати икки жиҳатини — умуман, тилга муносабат ҳамда она тилга муносабатини фарқлаб олиш лозим. Биринчи ҳолатда — тилнинг халқни бирлаштиришдек вазифани бажаришини аниқлаб муносабат кўрсатилиши, "Давлат тили ҳақида"ги қонун талабларига риоя этилиши, иш юритишда адабий тил меъёрларига амал қилиниши зарур. Иккинчи ҳолатда — она тили ўта миллий, этномаданий ҳодиса деб тушунилиши, она тили тақдирига миллат тақдирини деб қаралиши, она тили борича қабул қилиниши керак.

Бугунги ўзбек жамиятида ҳар икки муносабатга алоқадор муаммолар етарли. Бу "Давлат тили ҳақида"ги қонун талабларининг кўп ҳолларда бажарилмаётгани, давлат тилининг амалиётга кенг жорий этилмаётгани, таълимнинг турли бўғинлари ва иш юритишда лисоний лаёқатлик даражасининг пастилиги, давлат тилига ҳам, она тилга ҳам бепасанд муносабатнинг учраётгани, тил маданиятининг лозим даражада шаклланимаётгани кўринади. Ўзбек социоллингвистикаси жамиятда давлат тилига муносабатнинг аҳолини, жамият ҳаётининг қайси жабҳаларида тил билан фаол таъсирлашув кечаётганини, тил сиебатида нималарга эътибор бериш лозимлигини аниқлаши ва давлат тилини амалиётга тўлиқ жорий этиш ҳамда терминологияни тартибга солиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиши зарур.

Тил ва жамият таъсирлашуви ҳақида сўз борар экан, тилнинг жамиятга қандай таъсир этишини ҳам тушунтириш лозим. Мутахассислар турри таъкидлаганидек, тилнинг жамиятга таъсири жамиятнинг тилга таъсирига нисбатан кам ўранилган, ҳатто бундай таъсирлашувга шубҳа билан қараш ҳам бор. Бизнингча, тафаккур қуроли бўлган воситанинг жамиятга таъсир кўрсатмаслигининг ўзи шубҳали, чунки тил жамиятнинг мунтазам ҳаракатлантириш тарафи ва бу тарз таъсирлашувининг энг ибтидоий акси унинг ахборотни шакллантириш ва узатиш вазифасида кўринади. Жамиятнинг тилга таъсири нақд лисоний натижаларда кўринади, шу сабабли, бу тарз таъсирлашув шубҳа уйғотмайди, бир қарашдаёқ таъсирлашув натижаларини илгаш мумкин бўлади. Тилнинг жамиятга таъсири натижалари тилшунос қайд қила биладиган тил материалларида ифода топмайди, балки ижтимоий ҳаётнинг ўзида бўйи кўрсатади. Аниқ лисоний материал орқали далиллий олинмагани тилнинг жамиятга таъсири механизмларининг очилмай қоллишига олиб келган. Масалан, адабий тилнинг жамиятга таъсири, аввало, миллий бирликни таъминлашда, қолаверса, оммавий саводхонликни шакллантириш ва яхшилашда, илм-фанни ривожлантириш ва маданиятни юксалтиришда, таълим-тарбияда кўринади. Саноқни яна давом эттириш мумкин.

Умуман, жамиятда ахборот узатиш экан, унда тилнинг иштирок қилмаслиги, таъсири бўлмаслиги мумкин эмас. Хуллас, тил ва жамият ўртасида доимий таъсирлашув кечади. Фан ва таълим, маданият ва санъат, техника ва давлатчиликнинг тараққиёти тил ва жамият таъсирлашувининг асосий омилларидир. Бундай таъсирлашув жараёнини ҳаракатлантирувчи кучи, албатта, инсон ва у мансуб жамият. Жамият эҳтиёжлари эса тилнинг вазифа доирасида кенгайиш, услубан тўлиб-тўлиқ боришига сабаб бўлади.

Олий таълим Талабалikka илк қадам

Рушана АЛИАКБАРОВА, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети матбуот котиби



Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида аънанавий ўқув машғулоти 12 октябрдан 17 октябргача давом этади. Талабалар дастлаб олий таълим масканида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди. Танишиш учун ҳар битта йўналишга муйайян кун белгиланган. Ўтган вақт давомида "Босма ОАВ", "Спорт журналистикаси", "Ҳарбий журналистика", "Телерадиожурналистика", "Ахборот хизмати ва жамоатчилик билан алоқалар", "Халқаро журналистика", "Медиадизайн", "Медиамаркетинг ва реклама", "Интернет журналистика" ва "Сиебатушунослик" йўналишларида тахсил оладиган талабалар ана шундай имкониятга эга бўлди. Сиртки таълимга қабул қилинган талабалар ҳам ўқув машғулотларини ана шундай тарзда бошлади.

Талабаларга дастлаб университетнинг қачон ташкил этилгани, тузилмаси, ходимлар континентини, ички тартиб-қоидалар ҳақида тайёрланган маълумотлар тақдим этилди. Ундан сўнг онлайн платформага ўтиш ва у билан ишлаш шарт-шароитлари батафсил тушунтирилди.

— Журналистика — жасорат ва шижоат, доим ўзини устида ишлаш ва ўқиб-ўрганиш, тинмай изланиш, янгиликка интилиш, танқидий фикрлаш, ижодкорлик ва креативлик дегани, — деди илк учрашувда университет ректори Шерозхон Қўдратхўжаев. — Буларнинг барчасини фарзанд бўлиш учун ҳар бир талабга етуқ билан зарурлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, бу ердаги эътибор ва биз учун яратилган шарт-шароит, имкониятлар орзуларимга қанот бағишлади.

Талабаларга бир ҳафталик аънанавий ўқиш давомида таниқли журналистлар мутахассислиги бўйича амалий машғулотлар олиб боради ва маҳорат дарслари ўтилади.

Анжуман Қишлоқ аёллари журналистлар нигоҳида



Лутфулло СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Юртимизда мўл-кўл пахта ва галла, пилла, сабзавот ва боғдорчилик махсулотлари етиштиришга, бозору дўконларимиздаги тўқинчилик ва арзончиликни таъминлашга катта ҳисса қўшаётган заҳматқаш, фидойи опа-сингилларимизга ҳар қачна тахсин айтсак арзийди.

Тошкент давлат аграр университети анжуманлар залида Қишлоқ аёллари халқроқ кўни ҳамда Жаҳон озиқ-овқат кўнига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда қишлоқ хойларда яшайдиган барча аёллар меҳнати алоҳида эътироф этилди.

— Ушбу сананинг кенг нишонланishi гендер тенглик масалаларига бўриб тақалади, — дейди Ўзбекистон "Аграр соҳа аёллари" уюшмаси раиси Адиба Аҳмадждонова. — БМТ Глобал кун тартибининг 2030 йилгача бўлган давр учун белгиланган Барқарор ривожланиш мақсадларида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш қайд этилган. Айни пайтда юртимизда қишлоқ аёллари қишлоқ ҳўжаллиги махсулотлари етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш йўналишларида фаол ишлаб келмоқда. Аграр соҳанинг барча тармоқ ва йўналишларида катта таърибга эга малакали мутахассислар қаторида ёш, иқтидорли аёллар ҳам меҳнат қилмоқда. Қишлоқ ҳўжаллиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотларида эса 5,5 мингга яқин ходимнинг 702 нафари ёки 12,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг 116 нафари илмий даражага эга.

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар аграр соҳанинг фидойилари бўлган хотин-қизлар, фермер, томоқра ер эгалари, агротехникорлар, олимлар ва республикага малакали кадрларни етказиб бераётган профессор-ўқитувчиларга миннатдорлик билдириди. Бугунги пандемия шароитида ҳам аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ ҳўжаллиги махсулотлари ҳажминини ўстириш бориш билан бирга, стандарт талабларида етиштириш ва аҳолига узлуқсиз етказиб беришда хотин-қизларнинг ҳиссаси беқеъс экани таъкидланди.

Тадбир давомида, шунингдек, Қишлоқ аёллари халқроқ кўни ва Жаҳон озиқ-овқат кўни муносабати билан Қишлоқ ҳўжаллиги вазирлиги, Ўзбекистон "Аграр соҳа аёллари" уюшмаси томонидан БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжаллиги ташкилотининг (ФАО) Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида журналистлар орасида ташкил этилган кўрик-танлов ғойибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов натижаларига кўра, "Аграр соҳа аёллари фидокорлиги" ва "Қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида аёллар фаоллиги" йўналишлари бўйича 15 нафар ғойиб ҳамда 6 нафар рағбатлантирувчи ўрин эгалари ташкилотчиларнинг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Адиблар хиёбонидаги ўйлар

Жонажон ўлкамиз бўйлаб олтин фасл — куз таровати кезиб юрибди. Адиблар хиёбонида ҳам донишманд куз шуқуқи сезилган, мезон шамолди эсмоқда. У ерда хайкаллари ўрнатилган 24 нафар адибу шоир ўз асарларида фасллар билан боғлиқ манзаралар, улар ҳосил қилган кайфият ва илҳом лаҳзаларига бағишлаб гўзал тасвирлар яратган.

ХАЗОН САЙРИ ТАСВИРИ ЁХУД БОБУРОНА УСЛУБ

Буробия РАЖАБОВА
Ўзбекистон Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти ва
фольклори институти
катта илмий ходими, филология
фанлари номзоди

Бениҳоят тўлқинлиб, ўзлари олган илҳом, завқ-шавқ ва ҳайратни яширмай, юксак бадиий пардаларда тараннум қилган. Ҳозирги адабиётшунослик атамалари билан изоҳлаганда, пейзажнинг бетакрор кўринишларини ижод этган. Алишер Навоийнинг "Муношаот" асаридида жамланган 107 та мактубдан тўрттаси тўрт фаслга атаб ёзилган. Учинчиси айнан куз фаслига бағишланган. Улуғ шоир мазкур мактубда кузни вафс қилиб, бир буюри, уч маснавий битган. Олтин кузни назмда:


Не хазониди барг айшини соч,
Юз уза заъфарон дўконин оч, —
деб, насрда эса: "Муноқоқ фаслки, ҳеҷ фасл нишотга мундин лойиқроқ эмас ва мундоқ вақти, кечи вақт айшқа мундин мувофиқроқ киши нишон бермас", дея таърифлайди.

Сўз устаси, шоҳ ва шоир Бобурнинг "Бобурома" асарини мутолаа қилар эканми, мазкур тўрт фасл ҳақидаги ҳаққоний, таъсирли манзараларга гувоҳ бўламиз. Айниқса, "Бобурома"да келтирилган хазон сайри — куз сайри ҳақидаги манзара ва воқеалар баёни гоят қизиқарли. Ҳамиша табиатнинг ошиғи бўлган Бобур "Бобурома"да куз фаслига хос бўлган айрим ноёб манзараларни маҳорат билан тасвирлаган. Қизиғи шундаки, манзарани Ёқубон Исҳоқов ва Маликушшоар Бажор каби атоқли олимларнинг услуб ҳақидаги илмий-назарий фикрлари билан баҳоласак, туркона ҳамда классик услубни қўшган ҳолда, яъни бобурома услубда тасвирлаган ҳам, таъбиғи лойиқ улфатлари билан ушбу хазон сайрига чиқишни уюштирган ҳам, сарғу харажат қилган ҳам, таъсирланган ҳам, тасвирлаган ҳам шоҳ ва шоир Бобурнинг ўзидир. Шу сабабли бўлса керак, хазон сайри воқеалари ва манзараларининг баёни, фалсафий талқини асарда чуқур самимият билан битилган. Уларни асардаги энг табиий воқеа, манзара, пейзаж тасвирларидан бири, десак ҳам асло хато бўлмайди. Масалан, Бобур Истаргадаги боғни кезар экан, бир олма дарахти тағидида хазонга кўзи тушади. Шоҳ ва шоирнинг кўзлари қувнаб, ақли лоп қолиб, "...бир олма ниҳоли яхши хазон бўлуб эди, ҳар қайси шоҳида беш-олти барг сиеҳ била қолиб эди, андоқим агар наққошлар тақаллуф била тортсалар, онча торта олмайгай эдилар", деб лутф этади. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу манзарага Бобур юксак санъаткорона нигоҳ билан боқиб, шу лаҳзадаёқ қиёс учун мусаввир ишини ҳам эслаб (балки наққош деб теурийлар Уйғонмиш даврида етишган етук мусаввир Камолдин Бехзод ишини хотирлаб, қиёсда тортандир — Б.Р.), Аллоҳ яратган бундай ҳайратомуз табиий манзарани энг



моҳир, уста мусаввир ҳам чизиши амримаҳол эканига нозик ишора қилган. Шу билан бирга, китобхонга қарата гоҳида ҳаётдан, табиатдан, куздан завқланиш кераклигини ҳам эслатган ва ён-атрофни кузатишни ўргатгандек бўлади.

"Бобурома"нинг 1518-1519 йил воқеалари баёнида Бобурнинг атрофи хушманзара, баҳаво, шарқираб оққан сойлари ва мевозор боғлари билан машхур, бугунги лафз билан айтсак, экотуризмга бой Исталиф, Бехзодий, Истаргач (Кобул вилоятидаги кентлар)га хазон сайри — куз сайри ҳақидаги ҳаётий воқеани ўйимиз. Маълум бўлишича, шоҳ бир муддат кишилардан ажралиб, давлат ишларидан чекиниб, хазон сайрига отланади. Фикримизча, тарихда утган бошқа ҳукмдорлар ҳам



куз сайрига чиққандир, аммо хазон сайридан олган таассуротларини, топган орому файзини шеърда ёки насрда баён қилишга сўзи, қалами ожизлик қилган бўлса, не ажаб! Бобурнинг ёзишича, хазон сайри душанбадан шанбагача, яъни дастлаб Кобул вилояти атрофидаги Исталиф, Бехзодий кентларида, кейин эса Истаргачда бўлиб ўтган. Китобдаги ушбу воқеалар баёнига диққат қилсак, хазон сайрига чиқишдан аввал, яъни душанба куни чоғроққина бир хужрада сўхбат бўлиб ўтган. Сўхбатда Бобурнинг яқинларидан ўн олти киши қатнашади. Шоҳнинг хазон сайрига чиқиш режаси аввалдан аниқ бўлса, ушбу мақсадга у бир қарорга келади ва эртаси кунёқ сайрга отланади: "Душанба куни хазон сайрига Исталиф (Кобул вилоятидаги кент)га борилди. Бу кеча ёмғур бисёр ёғди. Менинг била келган беқлар ва ичкилар аксар менинг чодиримгаки, Боғи Калоннинг ичиде тикилиб эди, кирдилар. Тонгласи ушбу боғда чоғир мажлиси бўлди... намози пешин Исталифдин отланиб... Намози дигар бўла Бехзодийга келдик. Хазонлар асру қўб бўлуб эди. Хазон сайри асносида чоғирга мойил ҳарифлар чоғир ангизи қила бошладилар... Чун хазонлар асру хўб бўлуб эди, хазон бўлгон дарахтларнинг тубида ўлтуруб, чоғир ичилди".

Ҳаёт ва табиатдаги гўзалликларнинг тажассуми сифатида гавдаланган бу сингари тасвирлар, бир

томондан, "Бобурома"нинг чуқур ҳаётий мазмунидан, ундаги ута ҳаққоний тасвирдан хабар берса, иккинчи томондан, инсон ўн саккиз минг олам билан мустаҳкам боғлиқ эканини кўрсатиб, эслатиб туради. Асарда ифодаланган манзара ва ҳолат "Бобурома"нинг энг яхши, сара тасвирлари жумласидан бўлиб, мазкур тасвирлар қайсидир маънода Бобур шахсини очишга ҳам хизмат қилади.

Одамлар йиғилган даврада баланд-паст гап-сўзлар кечиши табиий ҳолат бўлганидек, хазон бўлган дарахт остида кечган гурунда ҳам шундай гап бўлиб ўтади. Яъни хазон сайрига келганлардан бири — Абдулла китобдор маст ҳолда Мулла Маҳмуд халифага ноурин гапирди. Тил балосидан андиша ва изтиробга тушган Абдулла китобдор ноурин гапи учун ундан узр сўрайди. Бобур чорбоққа қайтади: "Намози хуфтангача ўшул ерда ўқ сўхбат эди. Мулло Маҳмуд халифа (Бобурга фикрдан дарс берган усто — Б.Р.) келди. Ани ҳам сўхбатга чорладук. Абдулло хейли маст эди. Халифа тарафидин бир сўз чиқти. Мулло Маҳмуддин гоғил бу мисраъни ўқудим:

Бар ҳар қи бингарии, ба ҳамин доғ мубталоси.

(Таржимаси: Кимга қарасанг, шу дардага мубталосидир).

Мулло Маҳмуд хушёр эди. Абдуллога ҳазл тариқи била бу мисраъни ўқугон жиҳатидин таарзулар қилди. Абдулло воқиф бўлуб, изтироблар қилиб, хейли ширин гуфтуғлар қилди" (179). Агар хазон бўлган дарахт остида бўлган воқеа баёнига диққат қилсак, Абдулла китобдор, Мулла Маҳмуд халифа ўртасида кечган воқеа, гап-сўзлар тасвирида муаллифнинг хазон сайри ҳақидаги тасвир, таассуротлари гўё иккинчи ўринга тушиб, Абдулла китобдор ва Мулла Маҳмуд халифа муносабатини кузатиш биринчи даражага чиққандек туюлади. Чунки бу лавҳада адиб сифатида атрофидаги одамлар билан боғлиқ майда деталарни кузатишдан сира чарчамаган Бобур шахси яна бир қарра очилади. Хазон сайри бўлгани учунми, у икки мулозимининг муносабати хусусида очик фикр билдирмайди, яъни бирини оқлаб, иккинчисини қораламайди. Аммо китобда бу каби ҳолат ва муносабатларни ёзганда, муаллиф ўз қарашини очик айтган ёки кескин фикр билдирган ўринлар ҳам таллайгина.

Бобур яна хазон сайрига чиқади, ҳаммаси режа асосида. Узи билан юз шоҳрухий (пул бирлиги) олади. Сабаби, у тўхтамоқчи бўлган хондон эгаси Турдубек камбағал яшарди; уни ташвишга ёки хижолатга қўймоқчи эмас. Мазкур лавҳада ҳам шоҳ ва шоир Бобурнинг мардона, шоҳона шахси очилади. Биринчидан, ёдимизга мемуарнинг бошқа воқеалар баёнида мулк эгалари ёки ворисларини рози қилиб, ҳақини тўлаб сотиб олдим, деб битилган изоҳ, хабарлар келса, иккинчидан эса банданин ҳақини билиш, рози қилиш, пешона тери қуримасдан меҳнат ҳақини тўлаш ҳам одамларни қадрлашнинг, севишнинг, яхшилик қилишнинг энг гўзал, юксак намунаси эканини ўқиради. Чунончи: "Панжшанба куни хазонлар сайри қилиб, кеч намози шом Чорбоққа келиб тушдум. Шанба куни, ойнинг ўн саккизиде Чорбоғдин тун яримида отландим, тунжатар ва ахтацини ёндурдум. Мулло Бобонинг кўпругидин ўтуб, Деварин тангиси била чиқиб, Кўш Нодир ва бозорларнинг қоризи била Хирсхона орақсидин эврүлүб, эрта суннат вақтида Турдубек Хоксорнинг қоризига келдим. Турдубек хабар топиб, изтироб била югуруб



Онлайн конференция

БУЮК АЛЛОМАЛАР БЕШИГИ

Марказий Осиё — илм-маърифат ўчоғи, дунё цивилизацияси марказларидан бири



Нодир МАҲМУДОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Марказий Осиё жаҳон цивилизацияси марказларидан биридир. Минтақа халқлари тарихи, маданияти, диний анъана ва урф-одатлари, аллома ва олимлар ҳаёт йўлларини ўрганиш, уларнинг меросини тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга. Эларимиз азал-азалдан қомил инсон тарбиясига устувор аҳамият қаратган. Бунга ушбу заминда тўғилиб вояга етган буюк алломалар ижодию жаҳонгир саркардаларнинг бунёдкорлик фаолияти ёрқин мисол.

Ўзбекистон халқор ислом академиясида Ислмо тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш халқор маркази — IRCICA ҳамда ислом тарихи ва манбашунослиги кафедраси ҳамкорлигида "Марказий Осиё халқлари маданияти, диний анъана ва урф-одатлари" мавзусида ўтган республика илмий-амалий онлайн конференциясида шу ҳақда сўз борди.

— Сўнги йилларда мамлакатимизда муқаддас динимизнинг асл тинчлик, бағрикенглик, инсонпарварлик моҳиятини тарғиб қилиш, уни турли хуржлардан асраш, илмий-маданий меросни тадқиқ қилиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамоили асосида кенг қамровли ишлар олиб

турурду. Бир пос (соқчи, қоровул) бор эди ким, Турдубек бир куза чоғир келтурди. Икковдин-икков ичмакка машғул бўлдук. Турдубек чоғирни келтурурда Мухаммад Қосим барлос ва Шоҳзода воқиф бўлтурлар. Мендин холи энди Турдубек сўнгига яёқ келдилар, сўхбатга чорладук... Ҳаёлимда бу эдиким, элни гоғил қилиб, ёлғуз отланиб, Истаргач (Кобул вилоятидаги кент)га боргайман. Эл воқиф эди, муассар бўлмади.

Охир нақора вақтида отландим. Турдубек била Шоҳзодага хабар қилиб, учовлон отланиб, Истаргач сари мутаважжих бўлдук. Фарз вақтида Исталифнинг оғи Хожа Ҳасанга еттук. Бир замон тушуб... хазон сайри қилдук. Офтоб чика Исталиф боғига тушуб, узум еб, отланиб, Истаргач тавобиндин Хожа Шихобга тушуб уйқуладук. Ота Мирзоюрнинг уйи ул орада экандур. Уйғонгунча ош пишируб, бир куза чоғир ҳозир қилибтур. Хейли яхши хазон эди. Бир неча пиёла ичиб, отландук.

Намози пешин Истаргачда бир яхши хазонлик боғда тушуб, сўхбат турутди. Бир лаҳзадин сўн Хожа Мухаммад Амин келди. Ул куни ва оқшоми Кобулдин Абдулло, Асас, Нурбек, Юсуф Али келдилар. Себоҳи ош еб отланиб, Истаргачнинг оёғидеги подшохий боғини сайр қилди... Истаргачдин отланиб, Хожа Ҳасанда ош еб, намози шом Бехзодий келиб, ...Тонгласи, сешанба куни Кобул чорбоғига келилди".

Шоҳ ва шоир Бобурнинг хазон сайрига чиқиши ҳамда таассуротлари унинг "Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим, Кўруб раҳм айлагил, эй лола рух, бу чеҳраи зардим" матласи билан бошланувчи, олти байтлик, ҳасоби ҳол характеридеги, ошкочона руҳдаги, ўқилишга қарагининг ва бошқа шу мавзудаги шеърларининг ёзилишига сабаб бўлган.

Кўплаб таникли ижодкорларнинг ижодини кузатганимизда, донишманд куз фасли ҳақидаги шеърлар талайгина эканини қўраимиз, аммо биз кузатган ижодкорлар ижодида хазон сайри — куз сайри ҳақидаги тасвирга деярли кўзимиз тушмади. Демак, Бобур яратган хазон сайри тасвири яна ва бетакрор поэтик тасвир сифатида таҳсинга лойиқ ҳамда мазкур хазон сайри тасвири-ни алоҳида янги мавзу дейиш ҳам мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бюроғи — 2695.
42210 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.
"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Ёшлук кўчаси, 8-уй. Босмахона телефони: (71) 230-27-76

аҳамиятга эга, адолатли бошқарув ҳақидаги "Қутадғу билиғ" китоби ёзилди. Ал-Фарғонийнинг астрономияга оид китоби кўп йиллар мобайнида Европа таълим муассасаларида асосий манба бўлиб хизмат қилди. Форобий Аристотелдан сўнг "Иккинчи муаллим" сифатида эътироф этилди. Ибн Сино тиббиёт илмини, ал-Хоразмий алгебра фанини янги босқичга олиб чиқди. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби сиймолар жаҳонга танилди.

Конференция давомида "Марказий Осиё олимлари ва Ибн Камол пошо мероси", "Марказий Осиё замонавий санъатида маданий стратегияларнинг шаклланиши жараёни", "IX-XIV асрларда Марказий Осиёда илм-фан ва маданият ривожланиши", "Ўзбек халқи турмуш тарзида миллий ва диний қадриятлар уйғунлашуви", "XX аср бошида Туркистон даврий матбуотида диний маросим ва байрамларнинг акс этиши" ҳамда "Марказий Осиёда миллатларор ҳамжиҳатлик маданиятининг асосий тамойиллари" мавзуларида маърузалар тингиланди.

"Ислмо цивилизацияси маркази музейи экспозициясининг тарихий тузилиши" мавзусида маъруза қилган Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров Президентимизнинг 2017 йил 23 июндаги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз асрлар давомида жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми, ислом маданияти марказларидан бири бўлиб келганлиги акс эттирадиган илмий-тарихий концепция ишлаб чиқилганини таъкидлади.

Ислом цивилизацияси маркази учун Тошкент шаҳрида маҳобатли ишоот қурилиши бошланган бўлиб, шаклан ва мазмунан бетакрор мазкур мажмуада юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма, тарихий далил ва хужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида намоиш этиладиган Ислом санъати музейи, улкан фонда эга кутубхона, йирик илмий тадқиқотлар маркази, энг замонавий усулларда реставрация қилиш, тиклаш ва қўлайтириш бўлимлари, нашриёт ҳамда замонавий конференция зали ташкил этиш режалаштирилган, — деди Ш. Миноваров.

Турли давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳамкор муассасалар раҳбарлари, олимлар, илмий тадқиқотчилар, ўқитувчи ва талабалар иштирок этган онлайн анжуман қизгин мунозара, улкан жаовоблар остида ўтди. Унда ҳамкор ташкилотлар билан илмий-амалий алоқаларни янада давом эттиришга келишиб олинди. Конференцияга тақдим этилган маърузалар алоҳида тўплам ҳолда чоп этилиши, унда ёшларнинг илмий мақолалари ҳам ўрин олиши таъкидланди.

— Ислом цивилизацияси маркази учун Тошкент шаҳрида маҳобатли ишоот қурилиши бошланган бўлиб, шаклан ва мазмунан бетакрор мазкур мажмуада юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма, тарихий далил ва хужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида намоиш этиладиган Ислом санъати музейи, улкан фонда эга кутубхона, йирик илмий тадқиқотлар маркази, энг замонавий усулларда реставрация қилиш, тиклаш ва қўлайтириш бўлимлари, нашриёт ҳамда замонавий конференция зали ташкил этиш режалаштирилган, — деди Ш. Миноваров.

Турли давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳамкор муассасалар раҳбарлари, олимлар, илмий тадқиқотчилар, ўқитувчи ва талабалар иштирок этган онлайн анжуман қизгин мунозара, улкан жаовоблар остида ўтди. Унда ҳамкор ташкилотлар билан илмий-амалий алоқаларни янада давом эттиришга келишиб олинди. Конференцияга тақдим этилган маърузалар алоҳида тўплам ҳолда чоп этилиши, унда ёшларнинг илмий мақолалари ҳам ўрин олиши таъкидланди.

Навбатчи муҳаррир: Лутфулла Сувонов
Мусаҳҳих: Мафтуна Мингоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 21:45 Топширилди — 23:45